



Михаил Илларионович Кутузов (1745–1813) Россия тарихида Наполеонга қарши курашдаги ролидан келиб чиққан ҳолда қахрамон сифатида танилган ҳарбий саркарда сифатида кўп тилга олинади. Бироқ унинг фаолиятининг бошқа жихатлари — айниқса, Туркий халкларга қарши амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлари, босқини ва аҳолига зулм кўрсатган сиёсати — кўпинча етарлича ёритилмаган. Ушбу мақолада Кутузовнинг Чор Россияси хизматида бўлиб, мусулмон ва Туркий халкларга қарши қилган ҳаракатлари таҳлил қилинади.

Кавказ ва Кримдаги ҳаракатлари

Кутузов фаолиятининг илк босқичларида Кавказ ва Кримда хизмат қилган. Хусусан, 1783 йилда Крим ханлигининг Россия томонидан илова қилинишида у муҳим роль ўйнади. Кримнинг босиб олиниши натижасида туркий халқлар ўз мустакиллигидан маҳрум бўлди ва диний-иқтисодий эзгуликка қарши оммавий тажовузлар бошланди. Масжидлар ёпилди, қозилик тизими йўқ қилинди ва руслаштириш сиёсати қучайтирилди.

Кутузов 1787–1791 йиллардаги Россия–Усмонли урушида генерал бўлиб, Дунай водийсидаги Туркий ва мусулмон аҳолиси ундан жуда кўп зулмларга учраган. Ушбу жанглар давомида аҳоли катта талафотларга учради ва кўчириш сиёсатлари амалга оширилди. (Геноцид)

Крим татарларига нисбатан сиёсат

Кримнинг босиб олинишидан сўнг Кутузов иштирок этган амалиётлар каторида Крим татарларини оммавий равишда Россиянинг ички ҳудудларига кўчириш, уларнинг ерларини тортиб олиш ва уларни иқтисодий заифлаштириш каби ҳаракатлар бор эди. Бу аҳолининг диний ва миллий ўзлигини йўқотишга қаратилган бўлиб, унинг натижасида Кримда демографик ва маданий ўзгаришлар юз берди.

Кутузовнинг Усмонли давлатига карши урушлардаги иштироки

Унинг сўнгги ҳарбий фаолиятлари ҳам асосан мусулмон халкларга карши каратилган. 1811–1812 йиллардаги Россия–Усмонли урушида Кутузов кайтадан Дунай ҳудудларида фаол бўлди. Бу урушлар пайтида Болгария, Добружа ва Бессарабиядаги туркий аҳоли зулмга учради, кўпчилик ўлдирилди ёки ўз юртларидан кўчирилди. Кутузов томонидан амалга оширилган босқинлар аҳолининг катлиомларга учраши, масжид ва мадрасаларнинг ёниб кетиши билан якунланди.

Кутузовнинг ҳарбий маҳорати ва Россия тарихи учун қўшган хиссаси таъриф килинган бўлса-да, унинг Туркий ва мусулмон халкларга карши каратилган ҳаракатлари ҳам тарихда адолат билан баҳоланиши лозим. Унинг фаолияти фақат Наполеонга карши кураш билан эмас, балки мусулмон халқларнинг миллий озодлиги ва диний эркинликларини бўғиш билан ҳам боғлиқдир. Бу эса, унинг шахсияти ва меросини кайтадан баҳолаш заруратини тугдиради.

Абу Муслим

(Тарих илми сайтининг бош муҳаррири, профессор)